

Ўзбекистон: Афғонистонлик қочоқлар мамлакатдан чиқариб юборилиши таҳдиди остида

Марказий Осиёдаги Инсон Ҳуқуқлари Ассоциацияси (АНРСА), Инсон Ҳуқуқлари Йулида Халқаро Ҳамкорлик (IPHR) ва Норвегия Хелсинки Қўмитаси (ННС) - инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонунга биноан, чиқариб ташамаслик тамойилини бузган ҳолда, Ўзбекистондан ўз ватанига мажбуран қайтарилиш хавфига дуч келган журналистлар, ҳуқуқ ҳимоячилари, парламент депутатлари, мусиқачилар, санъаткорлар ва уларнинг оилаларидан иборат Афғон қочоқларининг тақдирдан хавотирда. Сони ҳаммаси бўлиб 70 тадан ошиқ одам ҳозирда муддати 2021 йил 11 ноябрда тугайдиган вақтинчалик визалар билан Ўзбекистонда истиқомат қилишмоқда ва бу сана тугамагунча улар Ўзбекистонда ўз мақомини қонунийлаштиришга муваффақ бўлмасалар ёки хавфсиз учинчи давлатга жойлаштирилмасалар, Афғонистонга қайтарилишлари мумкин. Қочоқлар гуруҳи 2021 йил август ойида Толибон ўз ватанида ҳокимиятга келганидан кейин Афғонистондан Ўзбекистонга кетган қочоқлар оқими билан биргаликда Ўзбекистонга қочган.

Ўзбекистон 1951 йилги Қочоқлар мақомига оид Женева конвенциясини ратификация қилмаган ва миллий қонунчиликда эса учинчи мамлакатга жойлашишни кутаётган чет элликлар учун уларни қочоқ деб тан оладиган ҳеч қандай тартиб назарда тутилмаган. Ўзбекистонда қочоқларни ҳимоя қиладиган қонуний қоидаларнинг йўқлиги, афғон қочоқларига оддий чет элликлар каби муносабатда бўлишни ва фақат мамлакатда вақтинчалик виза каби бошқа ҳуқуқий мақомлар остида истиқомат қилиши мумкинлигини билдиради. Ўзбекистон 2021 йил августидан буён «чегарани ноқонуний кесиб ўтган» 150 нафар Афғонистон фуқаросини ўз илтимосига биноан ва худдики «хавфсизлик кафолатлари» ни олганидан кейин мажбуран юртига қайтарган.¹ Ўзбекистон Ташқи Ишлар Вазирлиги Афғонистонга қайтганларнинг ҳаммасига «уйларига қайтишга рухсат берилгани ва ҳозир уларнинг оилалари билан тўлиқ хавфсиз», деб айтган бўлса -да, АНРСА фаолларининг билишларича улар Афғонистонга келганда Толибон расмийлари уларни машиналарга жойлаштирганлар. Уларнинг қаердалиги ҳақида бошқа маълумот йўқ. Депортация қилинган қочоқларнинг исмларига аниқлик киритишнинг ҳам иложи бўлмади.

АНРСА га ёрдам сўраб мурожаат қилган қочоқларнинг ҳозирги гуруҳига 2021 йил август ойининг ўрталарида Толибон Афғонистонда ҳокимиятни қўлга киритиб, шу асосда мамлакатга келганидан сўнг дарҳол Ўзбекистонга уч ойлик визалар берилди. Уларга шахсий таклифнома (PV2) деб номланган визалар берилди, гарчи уларда ҳеч қандай таклиф бўлмаса ҳам.² Қонунга кўра, уч ойлик визани узайтириш учун чет элликлар Ўзбекистонга таклиф қилган шахс билан бирга Ташқи Ишлар Вазирлигининг виза бўлимига мурожаат қилишлари шарт. Қочоқлар жисмоний шахс томонидан таклиф қилинмаганлиги сабабли, улар буни уддалай олмайдилар ва натижада улар Ўзбекистон-

1 <https://mfa.uz/ru/press/news/2021/press-reliz-ministerstva-inostrannyh-del-respubliki-uzbekistan---30159>

2 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиш, қолиш ва транзит қилиш тартиби тўғрисида» ги қарори (рус тилида) <https://lex.uz/docs/513096?ONDATE=22.10.2019%2000>

да қонуний қолиш муддатини узайтиришда қийинчиликларга дуч келишмоқда. Хабарларга кўра, Ўзбекистондаги адвокатларнинг бу масалани ҳал қилишга уринишлари натижасида, улар Давлат хавфсизлик хизмати томонидан афғон қочқинлари билан боғлиқ ишларни қабул қилмаслик ҳақида огоҳлантирганлар.

Афғонистонлик қочоқларга нисбатан олганда, бу Ўзбекистоннинг БМТнинг қийноқларга қарши Конвенциясининг 3 -моддаси бўйича ўз халқаро мажбуриятларини бузишини англатади, унда *“ҳеч бир иштирокчи -давлат қийноққа солиниш хавфи остида бўлиши мумкинлигига асосли сабаблар мавжуд бўлганда, одамни бошқа давлатга чиқариб юбориши (‘refouler’), қайтариши ёки топшириши мумкин эмас”* дейилган.³

Қолаверса, афғон қочоқлари ижара шартномасини тақдим этиш ва ойига тахминан 15-20 АҚШ доллари миқдорида ҳақ тўлаш орқали вақтинча яшаш учун рўйхатдан ўтишлари керак. Аммо 2021 йил 13 августдан кейин Ўзбекистонга келган афғонистонликларнинг кўпчилиги ижара уйни ижара шартномасини тузмасдан топдилар, чунки бу арзонроқ.⁴ Ушбу тўловни тўламаслик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 225 -моддаси (*“Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш”*)⁵ билан жазоланади, 31 -моддада кўрсатилган енгиллаштирувчи ҳолатлар бундан

3 Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазога қарши конвенцияси https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/torture.shtml

4 Кўп одамлар ижара ҳақини анча юқори тўлаши кераклигини айтишади (одатда ойига 250 АҚШ доллари бўлган квартира учун 700 долларгача). Тошкентдаги тўртта ижара агенти АНРСАга афғон қочоқларига мулкни ижарага беришга рухсат берилмаганини айтди.

5 **225 -Модда.** *“Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш” Чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча прописканинг, кўчишнинг ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя этмаганлиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, худди шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш қоидаларига ўн суткагача риоя этмаганлиги базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини ўн суткадан ортиқ, аммо ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга бузиши, — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Чет эл фуқаросининг ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини ўттиз суткадан ортиқ муддатга бузиши, — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий ишлар билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган шахс томонидан чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг вақтинча пропискадан ўтишини, шунингдек уларнинг бу ерда бўлишнинг белгиланган муддати ўтгач чиқиб кетишини таъминлаш юзасидан чоралар кўрилмаганлиги, худди шунингдек шахс томонидан хусусий ишлар билан келган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уй-жой майдони, транспорт воситаларини бериш ёхуд бошқа хизматлар кўрсатиш, агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Ўн саккиз ёшгача бўлган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди. чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун ушбу модданинг биринчи — учинчи қисмларида белгиланган жаримани тўламаган тақдирда, улар кейинчалик Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи бир йил муддатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилади. Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузишни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этган тақдирда, улар кейинчалик Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи уч йил муддатга чекланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилади.*

мустасно (“Маъмурий жавобгарликни юмшатовчи ҳолатлар”).⁶ Ўзбекистонда бўлиш қоидаларини бузганлик учун солинган жарим юзасидан шикоят бериш тартиби ниҳоятда мураккаб бўлиб, аввал жарима тўлашни, сўнгра судга шикоят ёзишни ўз ичига олади. Суд тизими ҳар доим ижро этувчи ҳокимиятга боғлиқ бўлган Ўзбекистонда жаримани муваффақиятли рад этиш деярли мумкин эмас. Ҳозирда Ўзбекистон ҳукумати афғон қочоқлари бошидан кечираётган вазият 31 -моддага биноан энгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисобланиши кераклиги билан рози эмас ва прокуратура Ички Ишлар Вазирлиги чет эл фуқароларини рўйхатга олиш бошқармаси томонидан қўлланиладиган жарималарга қарши чоралар кўрмаган.

АНРСА мониторинги шуни кўрсатдики, милиция ходимлари ва Ташқи ишлар вазирлиги Афғонистон фуқароларига 1,350,000 дан 2,700,000 сўмгача (ҳар бир киши учун 125-250 АҚШ долларига тенг) жарима соламоқдалар, ҳатто бу шахс унга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли рўйхатдан ўтолмаган бўлса ҳам. Агар бирор киши 10 кундан кейин мамлакатда бўлишини рамийлаштира олмаса, қонунга қўра, Ички Ишлар Вазирлиги депортация тартибини бошлайди. Улар ушбу одамлар ўта шошилиш ва ҳимоясиз ҳолатда эканлигини ҳисобга олишмайди.

Қуйида имзо чеккан ташкилотлар адвокат ёрдамида афғонистонликларга рўйхатга олиш, визани узайтириш ёки ижара масаласида ёрдам бериш тўғрисида шартнома тузишга учта муваффақиятсиз уриниш қилишди. Адвокатларнинг айтишича, Давлат хавфсизлик хизмати, агар улар бу гуруҳга юридик ёрдам кўрсатса, лицензияларини қайтариб олиш билан таҳдид қилишган ва адвокатлар бу сиёсат афғонларнинг Ўзбекистондан тезроқ чиқиб кетишини таъминлаши учун деб билишади.

Бундан ташқари, Афғонистондан келган қочоқлар Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларида, хусусан, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида давлат ходимлари ва хизмат кўрсатувчилар томонидан қаттиқ камситиш остидаликларини ва уларга нисбатан адоват кузатилаётгани ҳақида хабар беришади.

Бу гуруҳ шахсларининг Ўзбекистондаги ожиз аҳволи ва Ўзбекистон ҳукуматининг хавфсиз бошпана беришни истамаслигини ҳисобга олиб, АНРСА, IPHR ва ННС уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун шошилиш чоралар кўриш зарур деб ҳисоблайди ва шунинг учун биз Ўзбекистонни қуйидагиларга чақирамиз.

- 2021 йил 11 августдан Ўзбекистонга келган Афғонистонлик қочоқлар яшаш жойида рўйхатга олиш ҳужжатлари йўқлиги учун жарима тўлашдан озод этилишини кафолатлайдиган ҳукумат қарорини чиқариш (ёки яшаш жойидаги рўйхатга олиш ҳужжатлари билан бирга бепул берилишини таъминлаш), оилаларга зарур гуманитар ёрдам кўрсатиш орқали уларга муносиб турар жой ва кўмак таъминлаш;
- Мажбуран Афғонистонга қайтаришга қарши халқаро ҳимояни таъминлаш учун миллий

6 **31 Модда “Маъмурий жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар”** Ма’мурий жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради: 1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши; 2) айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши; 3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон та’сири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши; 4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов та’сирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги та’сири остида содир этилиши; 5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши; 6) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яқка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Ма’мурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин..

қонунчилик базасини тезда ишлаб чиқиш ва бутун мамлакат бўйлаб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига тегишли кўрсатмалар бериш;

- Қочоқларни ҳаёти хавф остида бўлган ёки қийноқ ва ёмон муомала қилиш хавфи бўлган мамлакатга қайтаришдан тегилиш.

Бундан ташқари, биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочоқлар бўйича Олий Комиссарининг Идорасини қуйидагиларга чақирамиз:

- Вазиятни баҳолаш ва Ўзбекистондаги Афғонистондан келган шахсларнинг қочоқ мақомини тасдиқловчи ҳужжатларни бериш учун Ўзбекистонга ўз миссиянгизни бажаринг ва агар керак бўлса, ушбу гуруҳ шахсларини кўчириш жараёнига кўмаклашинг;
- Ўзбекистон ҳукуматидан 2021 йил 11 августдан Ўзбекистондан Афғонистонга депортация қилинганларнинг тўлиқ исмларининг янгиланган рўйхатини тақдим этишни сўранг.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон Ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссарининг Идорасидан қуйидагиларни сўраймиз:

- Афғонистондан келган қочоқларнинг аҳволига эътибор беринг ва 2020 йил октябр ойидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзоси сифатида Ўзбекистон ҳукумати зиммасига олган халқаро мажбуриятларнинг қонуний бажарилишини баҳоланг.

Биз бу ҳолатни БМТнинг Қийноқларга қарши Махсус Маърузачисининг эътиборига ҳавола этамиз:

- 70 кишилиқ бу гуруҳ Ўзбекистоннинг қийноқларга қарши конвенциянинг 3 -моддаси бўйича мажбуриятларини бузган ҳолда Афғонистонга чиқариб юборилиш хавфи билан юзма -юз келиши мумкин.

Биз халқаро ҳамжамиятни чақирамиз:

- Ушбу қочоқлар гуруҳини зудлик билан бошқа жойга кўчириш дастурига қабул қилиш.

